

**ФУЗАЙЛОВА Гавхар Сиддиковна**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Дин психологияси ва педагогика  
кафедрасининг доценти,  
тарих фанлари номзоди

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

## ВЗГЛЯДЫ ВОСТОЧНЫХ МЫСЛИТЕЛЕЙ НА ВОСПИТАНИЕ ГАРМОНИЧНОЙ ЛИЧНОСТИ

## THE VIEWS OF EASTERN THINKERS ON PERFECT PERSONAL EDUCATION

**Аннотация.** Мақолада Шарқ мутафаккирлари меросида таълимий-ахлоқий қарашларнинг ифодаланиши, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиши ҳақида фикр юритилган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Саъдий Шерозий, Мунис Хоразмий, Моҳларойим Нодири, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк сиймолар миллатимизнинг ифтихорлари эканлигини билишимиз зарур.

**Калит сўзлар:** мутафаккир, мерос, Шарқ, таълим, ахлоқ, маърифат, билим, илм.

**Аннотация.** В статье рассматриваются педагогические и нравственные воззрения мыслителей Востока, высказываются мнения о возможности использования этих воззрений в процессе обучения и воспитания. Мы должны знать, что великие деятели Востока, такие как Абу Наср Фараби, Ибн Сина, Алишер Навои, Джалалуддин Давани, Саади Ширози, ал-Хоразми, Мохларайим Надира, Мухаммад Реза Огахи, Юсуф Хос Хаджиб, являются гордостью нашего народа.

**Ключевые слова:** мыслитель, наследство, Восток, образование, нравственность, духовность, знание, наука.

**Annotation.** There is considered in the article pedagogical views the ideas of East thinkers and given the possibility of these implementation in the process

of training and education. We need to know that the great figures of the East such as Abu Nasr Farabi, Ibn Sina, Alisher Navai, Jalaluddin Davani, Saadi Shirozi, al-Khorazmi, Mohlarayim Nadira, Muhammad Reza Ogahi, Yusuf Khos Hajib are the pride of our nation.

**Keywords:** thinker, inheritance, learning, education, East, morality, knowledge, science.

## КИРИШ

Шахсни ҳар томонлама баркамол инсон даражасида тарбиялаш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, қадим замонлардан буюк алломалар, адиб ва мутафаккирлари томонидан илгари сурилган қарашлар ҳамда ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим таълим-тарбиявий манба сифатида талаба-ёшлар онги ва қалбига маънавий озуқа бериб келмоқда. Ўқув жараёнларида эса режадаги мавзуларни буюк мутафаккирларимизнинг фикрлари, ҳадислар, халқ оғзаки намуналаридан олинган ибратли лавҳалар билан бойитиш талаб этилади. Назарий ва амалий машғулотларда аждодларимиз томонидан тақдим этилган ва халқ педагогикасидаги тарбиявий усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда талабаларни аждодларимиз меросига қизиқтириш, унинг ҳаётбахш ғояларини сингдириш, миллий илдиларимиздан уларни хабардор қилиш орқали ёшларни ўзликни англашга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ал-Хоразмийнинг асарларда инсонни улуғлаш, адолат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, мардлик, сахийлик, камтарлик, ростгўйлик, дўстлик, олижаноблик, мурувватлилик, одоб-ахлоқ, илм-маърифат ғоялари илгари сурилган.

Мутафаккир инсоннинг инсонга бўлган самимий муҳаббатини таърифлаб қуйидагича ёзади: «Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва у ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир. Муҳаббат хор-хашакларга бардош берилмаса ва унинг лойқа сувларини ичмаса, унда яхшилик бўлмайди. Муҳаббат қандай яхши шафедир ва унинг эгасига қалб қандай яхши ёрдамчидир» [2]. Мутафаккир ёшларни навқиронлик даврининг ҳар дақиқасини қадри-

га етишга, ҳалол меҳнат қилиб, фаровонлик, бахт-саодатга эришишга чақиради.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув тўғрисида», «Ихсо – ал-улум», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида», «Мукаммал таълим ҳақида рисола» каби асрларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ифодалаган. Форобий «мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия - инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади», деб айтади. «Бундай инсон, - деб ёзган эди Форобий, - инсоний баркамолликнинг олий соҳиби ва бахт саодат бўладиган хатти-ҳаракатни биладиган зотдир» [3].

Форобий билимдон, маърифатли, етук инсон образини тасвирлар экан, бундай дейди: «Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмни ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин». Бу фикрлардан Форобийнинг таълим-тарбияда ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда, хусусан, ақлий-ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор бергани кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат албатта яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим, акс ҳолда қутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб этишмайди.

Абу Али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Зеро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди Ибн Сино. Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди [4:19].

У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳам

ҳақиқатга олиб келмаслиги, инсон ўз билимининг ҳақиқийлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини уқтиради. Ибн Синонинг таълим методлари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантикий тафаккур, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак, деган ғоя ётади.

Ибн Сино таълимотида билишда қайси методлардан фойдаланилмасин – у оғзаки ифодами, билимларни тушунтиришми, турли кўринишдаги суҳбатми, тажрибаларми, барибир талабада ҳақиқий билим ҳосил қилиш мустақил, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Ибн Сино бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. Ибн Сино боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй-рўзғор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила – ота-онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота-она тарбиячи бўлиши мумкин. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама-якка суҳбатда бўлиш, унга насиҳат қилишдир.

Ибн Сино болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний-ақлий тарбия билан узвий бирликда шакллантиришни уни инсон сифатида камол топтиришда асосий омил деб билади. Ибн Сино она алласининг тарбиявий аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: «Боланинг талабини қондирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири - болани секин-секин тебратинг, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусика – аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорида қараб болаларнинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳияти билан мусикага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади» [5].

Алишер Навоий илмни инсон камолоти учун энг зарур фазилатлардан бири деб билади. У илмни инсон, халқни нодонлик, жаҳолатдан қутқарувчи омил сифатида таърифлайди. Шунга қўра, ўз асарларида кишиларни илм-маърифатли бўлишга ундайди. Илм олиш ҳар бир кишининг инсоний бурчи, деб ҳисоблайди.

Чунки илм эгаллашдан мақсад ҳам халқнинг, ўз мамлакатининг бахт-саодатли, фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилишдан иборатдир, дейди.

У ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида илм ўқиб уни ишлатмаган кишини шудгор қилиб деҳқончилик қилмаган ёки уруғ сочиб ҳосилдан баҳра олмаган кишига ўхшатади:

Илм ўқиб қилмагон амал мақбул,  
Дона сочиб кўтармади маҳсул [6].

Алишер Навоий боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва йетук киши бўлиб ўсишига ишонади. Ёш болани жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. У одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса, кишиларнинг бир-бирига бўлган рухий, маънавий таъсири натижасида таркиб топади деб вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлигини уқтиради.

Жалолиддин Давонийнинг «Педагогик қарашларида ақлий тарбия ва билимларни эгаллаш масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Болаларга билим беришни ёшлиқдан бошлаш зарурлигини таъкидлайди. Давоний инсон ақлининг қудратига, унинг ижтимоий ҳодисаларни билишига, ақл илоҳий улуг бир неъмат, ҳақиқат мезони эканлигига ишонади. Чунки инсон ақл ёрдамида ўз хатти-ҳаракати, фаолиятини бошқаради» [7].

Жалолиддин Давоний ота-онанинг болани тарбиялашдаги аҳамиятига кенг тўхталганди. Унинг фикрича, оила тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуқли, тенг иштирок этиши боланинг яхши хулқ, одоб қоидаларининг муайян бир касбни егаллашига қўмаклашиши, илм-фан ва касб-хунар эгаллашининг моддий асоси бўлмиш озиқ-овқат, кийим-кечак, керакли буюм ва жиҳозларни етказиб бериш учун жонбозлик кўрсатиши керак.

Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Муслиҳиддин Саъдий Шерозий Шероз шахрида 1184 йилда туғилди. Саъдийнинг фикрича, оила боланинг бахти, келажаги учун замин яратувчидир. Оилада асосий таянч отадир. У масъулиятли тарбиячидир. Ота ўз

болаларини тарбиялаши, ўқитиши, хунарга ўргатиши, жисмонан чиниқтириши керак. Саъдийнинг педагогик қарашича, бола қобилиятли ва камқобилиятли бўлиши мумкин. Қобилият ўз-ўзидан ривожланмайди. Унинг ривожланиши учун болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса, боладаги қобилият сўнади, тарбияни 3 асосий - ақлий, нафосат ва жисмоний меҳнат тарбиясига бўлади. Адиб болани тарбиялаш вазифасини уларнинг ота-оналарига, яъни оилавий тарбияга катта эътибор беради.

XIX аср ўзбек ижтимоий ва адабий ҳаётининг йирик вакилларида бири Комил Хоразмий ўз асарларида маърифат, ахлоқий камолот, ватанпарварлик ғояларини олға сурди. У илм-маърифатнинг халқ, жамият фаровонлигига, инсоннинг ахлоқ камолотида тутган ўрни, ахлоқий ва нафосат тарбиясининг узвий бирлиги ҳақидаги педагогик фикрларини ҳам баён этади. Комил Хоразмийнинг фикрича, илм-хунар, илм-маърифат инсон ахлоқий камолоти, ижтимоий-маънавий ҳаёт ривожини учун хизмат қилиши керак. Камтарлик эскирмайдиган, энг гўзал инсоний фазилатдир. Бу фазилатларга эга бўлганлар обрў-эътиборли, комил инсонлардир. Камтарлик инсонни турли нохушлиқдан, ҳижолатдан сақлайди.

Шоир, тарихшунос, таржимон ва хаттот Мунис Хоразмий тилга кўп эрк бермасликни маслаҳат беради. Унинг таъкидлашича, ортиқча сўзамоллик киши бошига олтин ўрнига каттик тош бўлиб тегиши мумкин.

Шоир ёмон сўзли, озор берувчилар сифатини тасвирлаб, кишиларни, жумладан, ёшларни улар билан ҳамсуҳбат бўлмасликка ундайди. Мунис Хоразмий ўз асарларида халқни адолатли, онгли, билимли бўлишга, жаҳолатдан йироқ туришга даъват этади, унинг фикрича, адолат – шараф кўрки, осойишталик, хушнудликдир. У ёшларни камтарлик билан мулоқотда бўлишга, уларни ҳурмат қилиб эъзозлашга чорлайди.

Мунис Хоразмийнинг асарларида баён этилган таълим-тарбияга оид фикрлар фақат у яшаган давр учун эмас, балки ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

Моҳларойим Нодиранинг инсон ва табиятига нисбатан қарашларида фақат шахсий туйғу

эмас, балки ёшлар тарбиясида миллий анъаналарнинг роли ҳақидаги фикрлари ҳам акс этган. Нодиранинг тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари – адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўринни эгаллайди. Нодира ҳаётнинг туб моҳиятини яхшилик биносини барпо этишдан иборат деб билади. Унинг фикрича, кимки тириклик чоғида яхшилик бунёд этган бўлса, ўзининг бу эзгу ишлари билан ўзидан кейин ҳаётда ёрқин хотира қолдиради. Умуман, Нодира ўз шеърларида баркамол инсонни улуғлайди. Таълим-тарбияга оид кўп фойдали ўғитларни баён этди.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз ижодий фаолиятида, педагогик қарашларида нафосат тарбияси юқори баҳоланади. Огаҳий миллий анъаналаримиздан бўлмиш меҳмондўстликни гўзал фазилатлардан бири ҳисоблайди. Меҳмонга чуқур ҳурмат билан қараш, меҳмон кутиш, кузатиш одоби Огаҳий ижодида ўз ифодасини топди, одамларни бу фазилатни эгаллашга даъват етди. Огаҳийнинг таъкидлашича, инсоннинг дўст ва душманни ажратиш олиши ҳаётда ўз ўрнини топиб олишида ғоят муҳимдир. Унинг фикрича, тўғрисиўз кишилар ҳаётда қийинчилик билан яшасалар-да, дунёнинг мавжудлигини сақлаб турадилар, мангу яшайдилар.

Огаҳий таълим-тарбия илмларини эгаллаш ва тилни билишда ҳам муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлайди. Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз ижодий фаолиятида бинобарин ёшларни одамларни халқ, ватан, жамият фаровонлиги йўлида хизмат қилишга даъват этди. У дўстликни, меҳмондўстликни, ахлоқий гўзалликни улуғлади. Инсонларни зийракликка, тўғри сўзли бўлишга чорлайди. Огаҳийнинг бу фикр, ўғитлари ҳозир ҳам педагогик қадрият сифатида қимматлидир. Марказий Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан Марказий Осиёда педагогик фикр таракқиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан бири Мирзо Улуғбек. У, аввало, ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват етди. Фақат ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг комил топишини таъминлашига ишонди. Алломанинг уқтиришича, боланинг билим олишга бўлган

қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланган муҳит муҳим ўринни эгаллайди. Оилада ота-оналар, айниқса, ўқимишли ота-оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим. Мирзо Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий ҳунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Улуғбекнинг фикрича, одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғидаёқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, таълим-тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслиги учун мударрислар одил ва ҳалол бўлиши керак.

## ХУЛОСА

Шарқ мутафаккирларининг ижодий фаолиятидаги баркамол шахс тарбиясига оид ёндашувлар, ғоялар, қарашларни ёш авлоднинг онгига синдиришда тарбия усуллари ва воситаларини билиш, ҳаётда улардан тўғри фойдаланиш - ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратидаги муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Педагогика фанида тарбия – инсон тарбияси муаммоларини асосий мақсад қилиб, баркамол шахсни шакллантиришга замонавий педагогика фани ютуқларидан фойдаланиш билан бир қаторда миллий ва умуминсоний қадриятларимиздан фойдаланиш ва ижодий ёндашишни талаб этади. Бу талаб аждоқларимиз ғояларига суяниб, қуйидаги қонунларга асосланиши зарур:

- Тарбия инсон фаолияти жараёнида тартибли таъсир этувчи омил бўлиб, натижасини инсоннинг яшаб турган ижтимоий шароити белгилайди;
- Инсон камолотини ҳаракатлантирувчи куч, қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги унинг шахсий ҳаётида намоён бўлади;
- Инсон фаолияти жараёнида атрофдаги нарса ва ҳодисаларга қизиқиш уйғотиш ва уни эътиқодга айлантириш лозим. Чунки эътиқод инсоннинг жамиятда бўлган муносабатида, теварак-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатида намоён бўлади;
- Тарбия жараёни ёшларнинг катталар билан, катталарнинг ёшлар билан қонуний муносабати натижасида амалга оширилишини таъминлаши демакдир.

Тарбия жараёнининг қонун, қоида, та-  
мойил ва методларини педагогиканинг тарбия  
назарияси қисми чуқур, атрофлича ўрганади.  
Таълимга умумий тарзда қуйидагича таъриф бе-  
риш мумкин: маълум мақсадга йўналтирилган,  
режали равишда амалга ошириладиган ўқитув-  
чи-ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот-муносабати  
бўлиб, ўқув фанларига оид тушунчаларни ва  
етакчи ғояларни ўқувчилар онгига сингдириб  
боришга асосланади. Таълим ва тарбия узвий  
боғланган жараён бўлганлиги сабабли тарбия-  
ланган комил инсон ақлий камолотига тартибли  
таъсир кўрсатиш орқали илмни, баркамол инсон  
бўлиб етишади. Таълим жараёни инсонларга  
нималарни бериши ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб  
ўзининг “Қутадғу билиг” асарида шундай ёзган  
эди: Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, Билим  
кимда бўлса, буюклик олур. Ўқувли тирикдир,  
ўқувсиз – ўлик, Келу, эй ўқувсиз, ўқув ол ўлик.  
Таълим инсон ақлий камолотини юзага чиқа-  
рувчи педагогика тарбияшуносликнинг бир  
қисмидир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. – Т.:  
Адолат, 2001. 114 б.
2. Форобий. Мукаммал таълим ҳақида рисола. –  
Т.: Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти  
қўлёзмалар фонди. Инв. 62385. XXVII. – В. 328а.
3. Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг фалсафий  
карашлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 47.
4. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Т.:  
Ўқитувчи, 1994. – 112 б.
5. А.Навоий. Махбубул-қулуб. Асарлар, 12 том. –  
Т.: «Бадий адабиёт» нашри, 1966. – 60 б.
6. Атаева Н., Расулова Ф., Ҳасанов С. Умумий  
педагогика. – Т.: Фан ва технология, 2011. – Б.  
396.
7. Абу Наср Форобий. Мукаммал таълим ҳақида  
рисола. – Т.: Ўзбекистон ФА Шарқшунослик  
институти қўлёзмалар фонди. Инв. 62385.  
XXVII. – В. 328а.
8. Тиллашев Х.Х., Камолова Н.К. Ўрта аср комусий  
олимлари ва уларнинг маънавий-маърифий  
карашлари. – Т.: Чўлпон, 2004. – Б. 19.
9. Шарипов А. Абу Райхон Беруний. – Т.: Фан,  
1999. – Б. 114.
10. Кайковус. Қобуснома / Нашрга тайёрловчи  
С.Долимов. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004. – 153 б.
11. Тўхлиев Б. Хос Юсуф Ҳожибнинг «Қутадғу  
билиг» асарида сўзбоши / Нашрга тайёрловчи

Қаюм Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 115.

12. Аликулов Ҳ. Жалолиддин Давоний. – Тошкент:  
Ўзбекистон, 1992. – 20 б.